



ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЭСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 75 (9.572) 2001 йил 29 июнь, жума

Сотувда эркин нархда

## Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига

Азиз дўстлар!

Сизларни касб байрамингиз — Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Дунёда шарафли ва савобли ишлар, масъулиятли ва мураккаб вазифалар кўп. Лекин уларнинг ичиди ҳар бир инсон, ҳар бир оила кунига неча бор юзма-юз келадиган савдо ва хизмат кўрсатиш ходимларининг ўзига ҳос меҳнати алоҳида аҳамиятга эга, десак, муболага бўлмайди. Доимо эл-юрт ҳизматида бўладиган бу касб эгаларининг аҳоли эҳтиёжини таъминлаш, дастурхонимизни тўқин, хонадонларимизни файзли, мамлакатимизни обод этиш мақсадида тинимсиз меҳнат қилиши фикримизни аққол тасдиқлайди.

Истиқлол даврида савдо ва тижорат борасидаги миллий анъаналаримиз қайта тикланиб, савдогарлик, дўқондорлик каби қадимий касблар ривож топгани, савдо, матлубот ва маиший хизмат тармоқлари тўлиқ хусусийлаштирилиб, мулкдорлар синфи шакллана бошлагани бу соҳалар иқтисодиётимизда салмоқли ўрин эгаллаб, тараққиёт сари дадил қадам қўяётганимиздан далолат беради.

Айниқса, шаҳар ва қишлоқларимизда халқимиз эҳтиёжга хизмат қиладиган замонавий бозорлар, мухташам супермаркетлар, юксак талабларга жавоб берадиган маиший хизмат бинолари қад кўтарилгани, товарлар ва хизмат турлари кўпайиб бораётгани, хусусий тадбиркорлик, савдо ва тижорат ривожланаётгани, бу эса ўз навбатида одамларимиз, ҳар бир оиланинг ҳаёт даражасини ошираётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Сир эмаски, савдо, маиший хизмат ва сервис тармоқларининг улуши тараққиёт топган давлатларда ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисmini ташкил қилади. Чунки бу соҳалар халқнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини таъминлайдиган, ҳар қандай жамиятнинг тараққиёт ва маданият даражасини кўрсатадиган тармоқлардир. Биз ҳам дунёда ҳеч қандай кам бўлмайдиган фаровон ҳаётга интилаётган эканмиз, ана шундай тараққиёт марраларига эришишни ўз олдимизга аниқ мақсад қилиб қўйишимиз зарур.

Айни пайтда ҳаётимизга ва иқтисодиётимизга чуқур кириб бораётган бозор муносабатлари товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, ҳалол ва пок меҳнат билан элимизни рози қилиш, нафақат пойтахтимиз ва марказий шаҳарларимизда, балки юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам савдо ва хизмат сифатини яхшилаш бўйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ишончим комилки, сизлар ота-боболаримизнинг савдо ва тижорат, элга хизмат қилиш борасидаги анъаналарини давом эттириб, «Инсоф сари — барака» деган ҳикматга амал қилиб, зиммангиздаги вазифаларни сидқидилдан адо этасиз.

Сизларни бугунги байрамингиз билан яна бир бор қўтлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-товушлик, касбу корингизга ривож тилайман.

**Ислом ҚАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Республикаимизда савдо соҳасини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантиришга, савдо маданиятини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик самарали меҳнати ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун фахрий унвон берилсин:

**«Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим»**

**Бекчанов Маримбай Садуллаевич** — «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси раиси

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида кўп йиллардан буюн самарали меҳнат қилиб, ушбу соҳаларни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, умумий овқатланиш ҳамда озиқ-овқат корхоналари ишини замонавий илгор усуллар асосида ташкил этиш борасидаги ютуқлари ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«Меҳнат шўхрати» ордени билан**

**Виноградов Владислав Павлович** — Меҳнат фахрийси

**Сираджев Зия Шарафутдинович** — «Ўзкоопиттифок» ташкилотни раҳбари

**Хасанов Мадаминжон Хасанович** — Меҳнат фахрийси

**Юсупов Фафур Гиясович** — Меҳнат фахрийси

**«Шўхрат» медали билан**

**Аҳмедова Маъмура** — «Ариадна кумуш риштаси» масъулияти чекланган жамият тикувчиси

**Жабборов Хусен Файзуллаевич** — «ШАРПОР» хусусий ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси сартороши

**Камолова Каромат Ташходжаевна** — Зангиота тумани матлубот ҳиссадорлик жамиятига қарашли 10-дўкон сотувчиси

**Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан**

**Иброҳимов Позилназар Яхъёевич** — «Тижорат» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари

**Қодиров Зокиржон Воҳидович** — «Ока-Осиё» қўшма корхонасининг «Диёр» ресторани ишлаб чиқариш мудири.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 28-июнь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## 2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимларига қабул квоталари тўғрисида

**Қадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида умумтаълим мактаблари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёни сифатини узлуқсиз ошириш, ушбу таълим муассасаларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлашни жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги 250-сон қарорига мувофиқ Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти, шунингдек Урганч, Қорақалпоқ, Андижон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетлари таркибидида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларга 2001/2002 ўқув йилида ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича қандай ҳам амалий педагогик стажга эга бўлган педагог кадрлардан бакалаврлар тайёрлаш учун давлат грантлари асосида жами 1200 қабул квоталари белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва тегишли таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

(Давоми 2-бетда)



12-трестнинг 65-қурилиш бошқармасида қўлб оловлаб ёшлар меҳнат қилишди. Суратда тасвирланган Дилмурод Содиков ҳам ана шундай ёшлардан биридир. Тохир Нигматуллин олган сурат.

## Ёшлар тарбиясига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Тошкент шаҳрида аҳоли, айниқса, ёшлар орасида маънавий-маърифий ишларни янада жонлантириш, диний ақидапарастликка қарши курашни кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Шаҳар туманлари ҳокимликлари, маънавият ва маърифат марказлари вакиллари, маҳалла оксоқоллари, масжидларнинг имоҳатиблари иштирок этган бу тадбирда мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом тарбиялаш учун барча имкониятлар яратилгани таъкидланди. Ёшлар билан ишлашда оила, маҳалла, мактаб, кенг жамоатчиликнинг баҳамжихат фаолият кўрсатиши муваффақият гарови экани айтилди.

Тадбирда «Хазон бўлган умр» спектакли намойиш этилди.

Асарда экстремизм ва террорчилик тузюгига тушиб қолиш қандай фожиали оқибатларга олиб келиши тўғрисида ҳикоя қилинди.

**Элбек ХОЛИКОВ, (ЎЗА).**

## Мамлакатимизда

● Тошкент ва Андижон вилоятлари галлакорлари давлатга дон сотиш шароитида режасини бажардилар.

● **Кеча** пойтахтдаги «Туркистон» саройида очилган республика ўқитувчиларининг биринчи конференцияси **бугун** ўз ишини якунлади.

● **Кеча** Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиати муҳофазаси бўлиб ўтган йиғилишида «Урмон тўғрисида»ги Қонуннинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ижро этилиши тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

● **Кеча** пойтахтимиздаги республика Бадий академиясининг кўргазмалар залида Андижон вилояти меҳнат-қашлари Мустақиллик йилларида эришган муваффақиятларини тараннум этувчи «Шу азиз Ватан — барчамизники» шиори остидаги фестивал ўз ишини бошлади.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 10-Чуқурой ва бошқа бир қатор сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатылари сайловини 2001 йил 29 июль ақшанба кунига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Бадий академияси, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими ҳамда Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидидаги санъат билим юрталари, лицейларида тахсил олаётган ёш раҳбарларнинг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Гулистондаги Сирдарё вилояти реабилитация ва саломатлик марказида «Соғлиқни сақлаш соҳасидаги глобал масалалар» мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

● Хукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқро ҳайрия жамғармасида Япония ҳукумати гранти асосида харид қилинган умумий қиймати 80 минг 273 АҚШ долларига тенг «Toyota» ва «Isuzu» русумидаги тўртта амбулансини топириш маросими бўлди.

● Осиё тараққиёт банкнинг ҳудудий ваколатхонасида ўтказилган матбуот анжумани ушбу молия институти президенти Тадао Чинонинг Ўзбекистонга ташрифи якунларига бағишланди.

● Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг соҳадаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш комиссияси аъзоларидан бир гуруҳи Хоразм вилоятида бўлиб, жойларда иқтисодий ислохотларнинг ўтказилиши бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

## Жаҳонда

● Германиянинг Фрайбург шаҳрида «Ўзбекистонда хотин-қизлар маданияти; европалик аёл Марказий Осиё мумзо анъаналари изидан» деб номланган йирик этнографик фотокўргазма очилди.

● **Кеча** Тожикистонда мамлакатда фуқаролар уруши тугатилганининг бир йиллиги — Тинчлик куни нишонланди.

● **Кеча** Ереванда иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро арман-грузин комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Кеча** Киевда муҳолифат тарафдорлари Конституция ҳимояси ва матбуот эркинлигини қўллаб-қувватлаш юзасидан намойиш ўтказдилар.

● АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Яқин Шарқ бўйлаб уюштирган сафари давомида Миср, Исроил ва Фаластин раҳбарлари билан учрашди.

● Рим Папаси Иоанн Павел IIнинг Украинага уюштирган сафари ниҳоясига етди.

● Си-эн-эн агентлигининг хабар беришича халқро террорчи Усама бин Лоден ўз фаолиятини Фаластин ҳудудида ёйишга ҳаракат қилмоқда.

● БМТнинг навбатдан ташқари сессиясида СПИДга қарши тиббий препаратлар ишлаб чиқариш ҳуқуқини олиш борасидаги Америка — Бразилия ўртасида юзга келган қарама-қаршилик ижобий ҳал этилди.

● **Кеча** НАТОнинг Европа қучлари кўмондони Ж.Ролстон Ригага келди. У сафари давомида уч мамлакатда бўлади.

● **Кеча** Мадридда юз берган портлаш натижасида ўнга яқин киши жароҳатланди.

## 2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимларига қабул квоталари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Белгилансинки, Тошкент давлат педагогика университети ўрта махсус маълумот негизида педагог кадрларни олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимларида бакалавр даражасида ўқитиш усулининг илмий-методик асосларини яратиш, жойларда тўпланган ижобий тажрибани умумлаштириш ва уларни амалиётга жорий этилишини таъминлаш масалалари юзасидан мувофиқлаштирувчи муассаса ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимларига ажратилган қабул квоталарини ўқитишнинг тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни бир ҳафта мuddатда Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

3. Давлат тест маркази икки ҳафта мuddатда: олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимларига мослаштирилган кириш тест синовлари материалларини тайёрласин, ушбу тест синовларини адолатли ва юқори савияда таш-

кил этишга доир зарур чора-тадбирларни белгиласин ва амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимларида ўқиш истагини билдирган педагог кадрлар учун тест синовларига тайёргарлик кўриш юзасидан тегишли йўриқномалар тайёрласинлар ва оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2001/2002 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимларига давлат грантлари асосида бакалавриятга қабулни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х. Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 28 июнь.

## Вазирлар Маҳкамасининг «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимларига қабул квоталари тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқув жараёни сифатини узлуксиз ошириш, ушбу таълим муассасаларини олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимларига қабул квоталари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув юрларида 120 минг нафардан ортиқ ўрта махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчилар меҳнат қилмоқда. Уларнинг олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни сифатини ошириш мақсадида, Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти, шунингдек, Урганч, Қорақалпоқ, Андижон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетларида ўрта махсус маълумотга ва камидан уч йиллик педагогик стажга эга бўлган педагог кадрларни қабул қилиш ва бакалавриятда ўқитиш учун ташкил этилган махсус сиртки бўлимларга қабул квоталари белгиланди.

Шуниси аҳамиятлики, уч йилга мўлжалланган бу мутахассисларни ўқитиш давлат грантлари асосида, яъни давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Тошкент давлат педагогика университети педагог кадрларни олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимларида бакалавр даражасида ўқитиш усулининг илмий-методик асосларини яратиш, жойларда тўпланган ижобий тажрибани умумлаштириш ва уларнинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш масалалари юзасидан мувофиқлаштирувчи муассаса этиб белгиланди.

Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига қабулни юқори савияда ва адолатли ўтказиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, мазкур уч йилга мўлжалланган таълим жараёнининг ижобий натижалари педагог кадрлар тайёрлашнинг ушбу усулини мунтазам равишда такомиллаштириб боришга хизмат қилади.

Хукуматимизнинг ушбу қарори республикада умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш, педагогларни ижтимоий муҳофаза қилиш-да муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



## Журналист ва замон

Хайрли аъёнага мувофиқ ҳар йили 27 июнь куни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз касб байрамларини Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида нишонлайдилар. Ўтган куни байрамона тус олган боққа матбаа, наشريёт, оммавий ахборот воситалари ва матбуот соҳаси раҳбарлари, ходимлари ва фахрийлари кўтлуг байрамни нишонлаш учун тўпландилар. Президентимиз Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда сўзга чиққан журналистлар бу соҳа ривожига мамлакатимиз раҳбариятининг доимий эътиборини ҳис қилган ҳолда жамиятимизда рўй бераётган тўб ислохотлар, мамлакатимизни демократлаштириш жараёнларини холисона ёритиш ҳар бир оммавий ахборот воситаси ходимининг масъулиятли бурчи эканлигини алоҳида қайд этишди.

Байрам тантаналари давомида «Ўқитувчи» нашриёти, «Овози тожик», «Нурли жол», «Туркистон», «Эркин Қорақалпоғистон», «Анджоннома», «Класс» газеталари, «Тафаккур» журнали ва Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг «Ахборот» дастурига фаол фаолияти учун қимматбахо совғалар топширилди.

З. Суенова, Г. Сулаймонова, С.Мўминов ва бошқа санъаткорлар ўз қувноқ кўшиқлари билан, қизикчи Х. Тожибоев ичакузди хангомалари билан байрам тадбирига ўзгача файз бағишлади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: Мирзо Улуғбек боғида ўтказилган журналистларнинг касб байрамидан лавҳа.

Сергей Любич олган сурат.

## Қисқаларда

□ **ЎЗНИНГ** жазирама кунларида шахримиз меҳмонларига намунали хизмат кўрсатишни ният қилган «Россия» меҳмонхонаси маъмурияти хизмат кўрсатиш ҳақини 25 фоизга қисқартирганлигини эълон қилди.

□ **АЛИШЕР** Навоий номидаги опера ва балет Катта театрида Мирзо Улуғбек туманидаги 50-махсус мактаб битирувчи синф ўқувчиларининг битирув кечаси ўтказилди.

□ **МАННОН** Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида иқтидорли талабалар иш-

тирокида ўтказилган иккинчи кўрик-фестиваль «Талаба ёшлар ижодийети» деб номланди ҳамда фестивал қатнашчилари томонидан тайёрланган «Ҳазон бўлган умр» спектаклининг ижроси йилгиланларда катта таассурот қолдирди. Ушбу фестивал бир ҳафта давом этади.

□ **«БОГИ ЭРАМ»** боғида пойтахтимиздаги агросаноат касабга уюшмаси ходимлари ва уларнинг фарзандлари иштирокисидан шахмат, шашка, стол тенниси мусобақаларини ўз ичига олган маданий спорт байрами бўлиб ўтди. Қувончлиси, шу куни болажонлар учун боғдаги барча аттракционлар бепул хизмат қилди.

## ТАДБИРЛАР

# Биз соғлом авлод болаларимиз

Биз авлодларимиз давомчилари бўлиши болажонларимизни ёшлик чоғиданоқ Ватанга муҳаббат, элга садоқат, соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбияласак, албатта улардан келгусида буюк келажимизнинг бунёдкорлари етишиб чиқади.

Шу маънода Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг шаҳар қўшимча таълим мажмуаси хайрли ташаббусни амалга оширди. Мажмуа ташкилотчилигида шахримиздаги «Боги

Эрам» маданият ва истироҳат боғида «Биз соғлом авлод болаларимиз» тадбири бўлиб ўтди. Болажонларнинг ёзги таътил вақтида бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, «Соғлом авлод» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялаш мақсадида ташкил этилган ушбу шаҳар болаларининг байрам тадбирида умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳларининг тарбияланувчилари иштирок этди.

Шу куни болажонлар «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» мавзусидаги болалар расмлари кўргазмасига ўзларининг ранг-баранг ишларини тақдим этдилар. «Болалар гивандликка қарши» плакатлар кўргазмасида уларнинг шу мавзудаги энг сара ижод намуналари намойиш этилди. «Эркин Ватаннинг бахтли фарзандлари» муסיқий шоу марафонида ўзларининг санъат соҳасидаги иқтидорларини намойён қилдилар.

Байрам қатнашчилари учун махсус матбуот маркази ҳам ташкил этилиб, бу




ерда болаларнинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ҳаётидан хикоя қилувчи «Қувноқ ёз» газеталар кўргазмаси уюштирилди, болалар ўртасида қизиқарли савол-жавоблар кечаси ўтказилди, тенгдошларга мурожаат қилувчи «Биз — соғлом авлодимиз» мавзусидаги газета тақдими ташкил этилди.

«Театр ва болалар» театри майдончасида болалар томонидан тайёрланган спектакль намойиш этилган бўлса, спорт майдончасида ўтказилган «Биз — Алпомиш авлодларимиз» номли қувноқ эстафеталар, уйинлар, спорт мусобақаларида жуда кўпчилик болалар

ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ўқувчиларнинг ёзги таътиллари пайтида шахримиздаги бошқа оромгоҳларда ҳам пойтахт мактаблари қошида ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган болалар иштирокида мана шундай қизиқарли тадбирлар бўлиб ўтади.

Даврон ИСМАТОВ  
СУРАТЛАРДА: «Боги Эрам»да ўтказилган «Биз соғлом авлод болаларимиз» байрам тадбиридан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Душанба

2

6.00 «Ассолом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тадлимнома» 8.45, 17.55 ТВ-маркет. 8.50 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Тандир, арча, олов»...

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги». 10.00 «Янги авлод» студияси: «Кувнок учрашу»...

17.20 Курсатувлар тартиби. 17.25 ТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.10 Мультфильм. 18.30, 21.00 «Йойтахт»...

21.30 «30-канал» киношоми. «Детектив Наш Бриджес» Де-Лестри. 23.15 «30-канал» юмор кечаси...

6.00, 7.00 «Бугун артаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал» 6.30, 13.30 «Узатма вал»...

6.00, 7.00 «Бугун артаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал» 6.30, 13.30 «Узатма вал»...

6.00, 7.00 «Бугун артаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал» 6.30, 13.30 «Узатма вал»...

6.00, 7.00 «Бугун артаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал» 6.30, 13.30 «Узатма вал»...

6.00, 7.00 «Бугун артаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал» 6.30, 13.30 «Узатма вал»...

Сешанба

3

6.00 «Ассолом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Аборот». 8.40 Газеталар шарҳи...

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр» Аборот дастури. 9.15 «Янги авлод» постаси...

17.20 Курсатувлар тартиби. 17.25 ТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.10 Мультфильм...

18.25 «30-канал» киношоми. «Хотинанинг қудратли» Мелодрама. 20.05 «Ошиқнома»...

6.00, 7.00 «Бугун артаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал» 6.30, 13.30 «Узатма вал»...

6.00, 7.00 «Бугун артаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал» 6.30, 13.30 «Узатма вал»...

6.00, 7.00 «Бугун артаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал» 6.30, 13.30 «Узатма вал»...

6.00, 7.00 «Бугун артаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал» 6.30, 13.30 «Узатма вал»...

6.00, 7.00 «Бугун артаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал» 6.30, 13.30 «Узатма вал»...



Жума

6



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Айборт»...

23.00 «Айборт» 23.35-23.40 Ватан тилчилари.

17.20 Кўрсатувлар тартиби 17.25 ТВда сериал: «Санта-Барбара»...

10.20 Болалар учун «Улғайиб погоналари» 10.40 «Телевизорни ўқиргани ултман»...

8.55 Кўрсатувлар дастури 9.00 «Давр» Айборт дастури...

15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНЕСИ 15.05 Кўрсатувлар тартиби...

15.05 «Кичкинни аччиқ кесар» 15.25 «Ҳанга» 15.30 «Мен икки брав дорин»...

17.20 Кўрсатувлар дастури 17.25 «Янги авлод» студияси...

17.20 «Хўжалик тартиби» 17.25 «Янги авлод» студияси...

17.40 «Орзулар қанотда» 18.10 ТВ-хит 18.15 «Сият-саломатлик»...

17.05 «Тўғри маънавлар» 17.20 Болалар учун «Кўзунчоқ»...

9.00 Дастируни очилдиш 9.05 11.30 «Телемажор»...

19.05 «Имоният» 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 Эълонлар...

19.25 «Айборт» (рус тилида) 20.00 Охири эртани...

9.00 Дастируни очилдиш 9.05 11.30 «Телемажор»...

19.25 «Имоният» 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 Эълонлар...

19.25 «Айборт» (рус тилида) 20.00 Охири эртани...

9.00 Дастируни очилдиш 9.05 11.30 «Телемажор»...

20.00 «Айборт» (рус тилида) 20.00 Охири эртани...

17.20 Кўрсатувлар тартиби 17.25 ТВда сериал: «Луиза Фернандес»...

17.20 Кўрсатувлар тартиби 17.25 ТВда сериал: «Луиза Фернандес»...

18.00 «Шадждарлар ва гузаллар» 18.25 «30-канал» киношоқиди...

7.45 «Православ тақвими» 7.50 «Набатчи кино»...

0.55 Тенис: Уимблдон турнири. Эркаклар.

12.10, 0.10 Сафархатласи сафар 12.40, 20.00 «Таймслот»...



# Тўртинчи гулшан

(Давоми).

Уша кундан бошлаб султон лўлининг хузурига кира олмади. Чунки барча ишонган мол-дунё, ашёлардан ажралганди. Султон ўша кундан бошлаб лўли дарвозаси олдида хор-зорлик билан кун кечира бошлади. Ниҳоят, ўтинкашликка машғул бўлди у хар куни икки ярмоққа ўтин сотиб, пулини лўлининг бир ходимиغا берар ва у лўлини узокдан кўриш учун султонга имкон яратиб берарди. Шу аллозда бир неча мuddат азоб-укубатда ҳаёт кечирарди. Зеро, фалак кулфат шаробини ичирганди. Бора-бора меҳнатнинг машаққатидан кўзи тиниб, куввати кетиб йиқилди. Султон бошини лўлининг остонасига қўйиб ётди. Энди вазир султонни бир йил кутгач, ундан дарак бўлмаган, султоннинг ўглини тахтга ўтказиб, ўзи султонни қидириб йўлга тушгани.

Сарандиб тахтининг соҳиби бўлиб турган вазир ваъда муддати ўтгач, сафардан қайтган аҳли тужжорлардан (савдогарлар) султонни сўраб-суриштирар, аммо ҳеч қандай хабар тополмай қалби нолон, кўзи гирён эди. Бир кун вазир барча арқони давлатни йиғиб, уларга султоннинг айтган васиятларини сўзлаб, энди Сарандиб мулкига султоннинг ўглини хонлиб, тож-тахтни унга таслим этиб, ўзи эса султонни қидириб топмоқ учун йўлга чиқишини маълум қилди. Эртаси мамлакат султон ўлига топириб, пийда биёбон сари йўл олди. У ҳам султон янглиғ неча тоғу, неча шаҳар ва сарроларни кезиб, ниҳоят бир тоғ этагидан ўтаётиб бир булоққа кўзи тушди. Бу ерда икки булоқ бўлиб, икки булоқнинг ўртасида бир тул Хиндистон ёнғоғи ўсган эди. Вазир ушбу чашмани яқинига бориб тамошо қилишга жазм қилди. Ноғохон дароҳт устида (мускат ёнғоғи) бир маймун пайдо бўлиб, тўсатдан булоқлардан бирига шўнғиб, чиройли парипайкор қиз бўлиб, булоқдан чиқиб, дароҳтдан мева териб ея бошлади. У бир оздан сўнг ўзини иккинчи булоққа ташлаб, сувга шўнғиб, аввалги маймун ҳолатига кириб сувдан чиқди.

Вазир бу ажойиботни кўриб, хайратга тушди ва дароҳтдан икки дона каттақон ёнғоғни узиб олиб, тешиб ичидан мағзини олиб ташлаб, ҳар икки булоқ сувидан ёнғоқ қобигига тўлдириб, оғзини мум билан маҳкамлаб хуржунга солди. Вазир яна йўлга равона бўлиб бир неча манзил ва мароҳсилларни кезиб, омади ёр бўлиб, кўзига узокдан бир олий шаҳар намоён бўлди. Кўринган шаҳарга етиб, кўчаю гузарларни кезаркан, ҳар бир тўйхонаю мотамхоналарга кириб, одамлар сўзига қулоқ солиб юрарди. Одамлар таассуф (афсусланиб) билан бир-бирларига сўзларди; бир йигит лўлига ошиқ бўлиб, барча мол-мулкни сўрф қилди, ҳисобсиз олтинлар талаф бўлди. Оқибатда лўли йигитга бевафалик қилиб даргоҳидан қувибди. У йигит ҳижрон бобода зору хайрон бўлиб, лўли остонасига бошини қўйиб, рамағда жон ҳолатида ётибдур. Бу бевафо дунёдан умиди узилган, бу ахволда тезда оламдан кўз юмса керак.

Вазир одамлардан бу сўзни эшитиб, юрак-бағри пора-пора бўлди. Вазир дароҳт улардан бирига илтижо қилиб, ўшал маскани каерда эканлигини сўради. У одам вазирни лўлининг дарвозасига олиб борди. Султон дарвоза ёнида беҳол ётарди. Вазир султоннинг юзига боқдию уни таниди. Султон танасида тириклик аломати ҳали зоҳир эди, аммо жон қуши қафасдан умочқа мойил эди. Шундай ҳолда вазир доно этиб келиб, кўз ёшини тўкиб, кўп нолаю фиғонлар қилди. Вазир султонга неча хил дори-дармонлар билан парварिश қилиб, қуруқшаб қолган ичакларини намлаб, овқату дорилар жисмига қўниб, уни йўқлик оламидан борлиқ мулкига қайтарди. Заифлик, дарду алам босилиб, сихатлик мулкига қадам қўйди. Султон ва вазир бир-бирлари билан кайтадан топишиб шод-хуррам бўладилар. Султон лўли воқеасини вазирга баён қиларкан, мазкур тўрт ашё хосиятларини шарҳлаб, макр-қийла натижасида қўлдан чиқарганига афсус-надоматлар қилди.

Вазир деди, эй султонни одил ғам ема, хотиржам бўл! Энди мақсадингга етишурсан. Бунинг учун менда топилгай сирли хикмат ҳамда зар. Бугун сен лўлига махфий равишда бир хат ёзиб, ўз минг ашрафийни қўшиб жўнат. Бир амаллаб унинг шабистонига киришга ҳаракат қил. Агар васлига етишмак сенга муяссар бўлса, тазаррулар билан унинг қўлларини силаб, ожизлик ва ҳокисорлик юзасидан у гусл қилаётганида сув қўйиб туришни илтимос қил! Агар розилик берса, дароҳт мана бу ёнғоқ қобигидаги сувни гусл учун тайёрланган сувга қўшиб, лўлининг бошидан қуйгин-да, оллоҳнинг қудратию сувнинг қайфиятини тамошо қил!

Вазиридан бу сўзни эшитган султон шоду хуррам бўлиб, гулдек очилиб кетди. У дароҳт қўлига қалам олиб лўлига узр-маъзур хатни ёзиб жўнатди. Лўли хатни олиб ўқиб ишва қилди. Султон канизақларга пора бериб ўзига ром қилди. Неча макру захмат билан лўлининг васлига йўл топди. Ушал тун султон лўли билан маишатда бўлиб, унга деди; эй моҳи жаҳонсўз, сени деб бугун вужудимдан путур кетди, эшигингда ётиб, ватанини қилмадим ёд, хаёлинг олами ҳаммадан ортик, висолинг жаннатул маъводан ортик. Мен сендан бир тилак истагимдан, илтимосим шулки рад қилмагайсан. Сени барчадан ортик кўраман, бинобарин истагингни қабул қилдим, истагингни баён қил, чунки сендек вафодор киши харгиз топилмас, — деди лўли.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.  
(Давоми бор).

# Ўзбекистоним

Эй она диёрим, нурафшон ўлкам,  
Озод ва мустақил, фаровон ўлкам.  
Истикболи ойдин, чароғон ўлкам,  
Бойликка қонимсан, Ўзбекистоним,  
Обод бўстонимсан, Ўзбекистоним.

Мадҳинг куйламоққа жазм айладим,  
Ифтихор туйғусин назм айладим.  
Буюклик шаънингга таъзим айладим,  
Томирда қонимсан, Ўзбекистоним,  
Фаҳрим, иймонимсан, Ўзбекистоним.

Сен борсан, фаровон ҳаёт боқийдир,  
Соғлом ва баркамол авлод боқийдир.  
Шухратинг гуллари абад боқийдир,  
Шарафим, шонимсан, Ўзбекистоним,  
Вужудим, жонимсан, Ўзбекистоним.

Тарихинг неча минг асрларга тенг,  
Қалбинг, саховатинг уммон каби кенг.  
Жаҳон чехрасида жамолингдир менг,  
Буҳор Турдонимсан, Ўзбекистоним,  
Нурли жаҳонимсан, Ўзбекистоним.

Муборак бўлғуси мустақил ёшинг,  
Абадий порлагай бахтинг — қуёшинг.  
Чунки раҳнамодир азиз Юртбошинг,  
Тахти равонимсан, Ўзбекистоним,  
Бахти арқонимсан, Ўзбекистоним.

Соип МУҲАМЕДОВ,  
меҳнат фахрийси.

## Ҳикматлар

- Уч нарса ақлни чарҳлайди: доноларга яқин юриш, тажриба ўрганиш ва салобатли бўлиш.
- Инсон виждони ҳам унинг ақли каби тарбия ва тажрибага муҳтож.
- Шошқалоқлик билан тезкорликнинг фарқи бор: шошқалоқлик — ақлнинг заифлигидан, тезкорлик — ақлнинг матонатидан дарак беради.
- Уч нарса зарар беради:

қарамлик, дангасалик, шошқалоқлик.

• Агар сўз қалбнинг чуқур жойидан чиқса, ўзга кишилар қалбнинг ҳам чуқур жойига кириб боради.

• Кўнгул хоҳламаган ишга қўл уриш ишдан завқ олиш эмас, балки, куч, ирода, зехн ва асабини издан чиқариш демакдир.

Дилдора СОДИҚОВА

## Келинг, бир қулишайлик!

Ёш аёл машинани катта тезликда ҳайдаб кетаяпти. Унинг ёнидаги аёл сўраяпти:

— Секинроқ ҳайдасанг-чи, кўз олдимдан ҳамма нарса лип-лип учиб ўтяпти-ку...

— Сен худди мен қилаётган ишни қил.

— Бу нима деганинг?

— Кўзларингни юмиб ол...

— Азизим, сен бугун тайёрлаган шўрванга яна 10 литр сув қўшиб қайнатсанг бўларкан.

— Вой, шўрва шунчалар оғзингизга ёқдими?

— Нималар дегясан, шўрва шунчалар шўрки, сув қўшсанг...

— Бу сизни севишимдан, ахир...

— Нима, жинни бўлиб қолдингми?

— Албатта, жинниман. Агар генералга турмушга чиққанымда генералша бўлиб юрардим. Ҳозир кимнинг хотиниман, биласанми ўзи?

— Қандай яхши, эринг сенга шундай қимматбаҳо пальто сотиб олибди!

— Уни менга пальто сотиб олишдан бошқа имкони қолмаганди. Биласанми, мен эринми хизматкорни кучоқлаб турганини кўриб қолувдим.

— Унда хизматкорни ишдан ҳайдаб юборибсан-да!

— Бўлмагур гапни қўйсанг-чи! Ҳали менга яна, анчагина кўп қимматбаҳо буюмлар керак!

Маъпура НАБИЕВА  
таржималари.

Эри хотинига деди:

## РАССОМ ХАНДАСИ



Изоҳнинг ҳождати йўқ.



— Ҳой келинпошша, ёнгизг ёниб кетди-ку!  
— Телефон қилиб ўт ўчириш қомандасини қақироқлинг  
Абдурашул Ҳакимов  
чизган расмлар.

## Хулоса ва тадқиқотлар

Марсга яшаш учун юбориладиган биринчи одам Англия фуқароси бўлиши эҳтимолига жуда яқин. «Мирор» газетаси инглиз астронавти Майкл Фэллинг фикрларини ўрганиб, шундай хулосага келди. У журналистларга америкалик ва британиялик космонавтлар ҳамкорлигида Марсга яшаш шароити қанчалик ҳаётга мослашганини ўрганиш учун яқин ўн йилликда бир неча экспедициялар уюштирилишини айтиб ўтди. НАСАнинг сўнги тадқиқотларига кўра, Марсда кислород ишлаб чиқарувчи заводлар қуриш мумкин. Сувни эса қизил сайёра қаъридан изласа бўлар экан. Агар НАСАнинг юқоридаги назарий таҳминлари амалга ошарди, келажакда Ерга энг яқин бўлган сайёрадан кичик-кичик шаҳарлар қад кўтариши ҳақиқатга яқин. Икки орадаги масофани эса замонавий техникалар ёрдамида 6 ой мuddатда босиб ўтиш мумкин. Марсдаги кичик шаҳарчалар одамлари эса сайёра замиридаги қимматбаҳо уран ва бошқа ноёб металларни қазиб олиш билан банд бўлишади.

## Инсон умрининг чўққиси

Тош ҳамда бронза асрларида ёш 50 дан ошган одам анқонинг уругидай ҳаддан ташқари кам эди. Уша давр одамзот скелети қолдиқларини ўрганиш олимларни кўйиндаги хулосага олиб келган.

Ўртача умр кўриш 18-20 ёшга ташкил этган. Қадимий Римда 40 йил умр кўрган инсонни қария деб, 60 ёшга етган одамни эса, допонанус (қурбон этишга лойиқ) деб аташган. Қадимий Римда ўртача умр кўриш 20-30 йилни ташкил этган. Бу рақам уйғоғиш давригача ўзгармаган.

Айрим маълумотларга кўра, инсон умрининг энг сўнги чўққиси 185 ёш экан. Глазголик Кентигерн исми одам худди ана шу ёшга кириб, оламдан кўз юмган экан. Норвегиялик Дракенберга эса, 1626 йилдан 1772 йилгача, яъни 146 йил умр кўрган. Қароқчилиги учун умрининг ўн беш йилни зиндонда ўтган. Шундан сўнг у яна 90 йил матрослик қилган экан.

## Чирок ўрнида

Эвлаҳон деб аталган баликнинг турган-битгани ёғ. Америка хиндлари ундан ҳатто чирок ўрнида фойдаланишади.

Бунинг учун балик офтобда қуритилади, кейин ипга осиб ёқилса, шамдан қолишмайдиған даражада ёруғлик беради.

## Енгил самолёт

Венгриянинг Печ Шахридаги «Паннонавто» корхонаси мутахассислари томонидан яратилган бўлиб, оғирлиги 150 килограммини ташкил қилади ва соатига 60 километр тезликда уча олади.

## Митти рангли телевизор

«Си-Ви-1» деб номланган бўлиб, Япониянинг «КАСИО» фирмасида ишлаб чиқарилган. Унинг балиндлиги 9,1, эни 6 сантиметрни ташкил этади холос.

